

КАФИЛЛИК ШАРТНОМАСИ № _____
(Очиқ линияли банк кафолати тақдим этиш бўйича)

Мазкур шартномада қуйидаги тушунча ва тавсифлардан фойдаланилади:

1. **Шартнома** – кафил томонидан принципалга, бенефициар фойдаси учун банк кафолат хати тақдим қилиш бўйича тузилган кафиллик (банк кафолати бериш бўйича) шартномаси.
2. **Банк кафолати** – банк (кафил) бошқа шахс (принципал)нинг буюртмасига кўра кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенефициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципалга берадиган ёзма мажбурият (кейинги ўринларда кафолат деб юритилади).
3. **Очиқ банк кафолати линияси** – кафил томонидан принципалга белгиланган қийматдан ортмаган холда, бир йил муддатга, бенефициар фойдаси учун қайта-қайта банк кафолатлари тақдим қилиш назарда тутувчи очиладиган линия.
4. **Кафолат берувчи (кафил)** - принципалнинг ёзма аризасига кўра, принципални бенефициар олдидаги мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафолатга мувофиқ ушбу мажбуриятларнинг бажарилишини ўз зиммасига олувчи банк.
5. **Принципал** – банкка ўзининг учинчи шахс (бенефициар) олдидаги мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида кафолат бериш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган шахс.
6. **Бенефициар** – принципалнинг мажбурияти бўйича кафолатни қабул қилувчи кредитор.
7. **Тараф ёки тарафлар** – шартномага мувофиқ банк (кафил) ва мижоз (принципал).
8. **Махфий ахборот** – шартномани тузиш ва бажариш вақтида тарафлар бир-биридан олган барча маълумотлар.

№	Предмет/бўлим	Шартнома қондаси/зарур маълумот
1.	Шартнома реквизитлари	
1.1.	Шартнома имзоланган жой ва сана	Шартнома имзоланган жой: _____ сана _____
2.	Муқаддима	
2.1.	Тарафлар ҳақида маълумотлар: Банк (Кафил)	Банкнинг тўлиқ номи _____ Лицензия (рақами ва санаси) _____ кунги № _____ Таъсис ҳужжатларига мувофиқ жойлашган жойи _____ Банк номидан иш кўриш ваколатига эга бўлган шахс (ФИШ, лавозими) _____ Ваколат берувчи ҳужжат (низом, ишончнома, сана ва рақами) Алоқа учун телефон: _____
2.2.	Тарафлар ҳақида маълумотлар: Мижоз (Принципал)	Юридик шахс ёки хусусий тадбиркор номи _____ Давлат рўйхатидан ўтиш санаси “__” _____ 20__ йил СТИР _____ х/р _____ Қарз олувчи/Принципал номидан иш кўриш ваколатига эга бўлган шахс лавозими _____ ФИШ _____ Ваколат берувчи ҳужжат (устав, низоми, ишончнома, сана ва рақам). _____ Ваколат берувчи ҳужжат (низом, ишончнома, сана ва/ёки рақам).

Шартнома предмети		
3.		
3.1.	Шартнома предмети:	Шартномага асосан банк томонидан _____ (кейинги ўринларда “бенефициар”) фойдасига очилган кафолат линияси муддатида, _____ мақсадида берилган кафолатлар бўйича шартнома иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш тартибини белгилаш.
3.2.	Шартнома предмети:	Шартномага асосан кафил принципалнинг _____ (кафолатни қабул қилувчи шахснинг номи) (бенефициар) олдидаги мажбурияти бўйича банк кафолати бериш, принципал эса, мазкур шартномага мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун кафилга ҳақ тўлаш ва тақдим қилинган кафолат бўйича бенефициар олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида бажариш мажбуриятини олади.
Шартнома баҳоси		
4.		
4.1	Шартнома баҳоси:	Принципалнинг бенефициар олдидаги (мажбурият номи) (бундан буён матнларда “асосий мажбурият” деб юритилади) ни таъминоти сифатида, кафил _____ сўм/АҚШ доллари миқдоридида кафолат линияси очади.
4.2	Банк кафолати тақдим қилиш асослари	Банк томонидан тақдим қилинадиган кафолат линиясини муддати шартнома асосида тарафларнинг келишувига асосан 202__ йил _____ дан 202__ йил _____ гача белгиланди, кафолат линияси муддатида асосий мажбуриятни бажариш юзасидан тузилган <i>шартномада ёки тендер ўтказиш тартибида</i> кўрсатилган муддатларга мос ҳолатда кафолат бенефициарга тақдим қилиб бориш ҳамда линия доирасида тақдим қилинган охириги банк кафолатини амал қилиш муддатини, банк кафолати шартномаси имзоланган кундан бошлаб ўн икки ойдан ошмаслиги таъминлаш. Дастлабки тақдим қилинган кафолат бўйича мажбуриятлари принципал томонидан тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларини кафилга тақдим этиб бориш.
Тасдиқлаш ва кафолатлар бериш		
5.		
5.1.	Тасдиқлаш ва кафолатлар бериш: Принципал	Принципал юридик шахс–тадбиркорлик субъекти бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ташкил этилган/рўйхатдан ўтказилган, ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий лаёқатга эга.
5.2.	Тасдиқлаш ва кафолатлар бериш: Принципал	Принципал кафилга ариза, банк ҳисобварағига пул тушумлари (пул оқими) прогнози кўрсатилган бизнес-режа, давлат солиқ инспекциясига охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-сон шакл), 90 кундан ортиқ муддатдаги қарзларга доир

		солиштириш далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сон шакл), кредит таъминоти турларига оид ва зарур бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда тақдим этилган маълумотларнинг ишончилиги ва ҳужжатларнинг нусхалари аслига тўғрилигини кафолатлайди.
5.3.	Тасдиқлаш ва кафолатлар бериш: Принципал	Шартнома тузаётган вақтда, принципал хато фикрлар, ёлғон, зўравонлик, таҳдидлар, ёмон ниятли келишув ёки оғир ҳолатларга тўғри келиб қолиши таъсирида эмас.
5.4.	Тасдиқлаш ва кафолатлар бериш: Принципал	Тасдиқлаш ва кафолатлар бериш бўлимига, принципал тўлиқ амал қилиши лозим. Ушбу бўлимга амал қилинмаган ёки лозим даражада амал қилинмаган тақдирда, кафил принципалга кафолат тақдим этишдан бош тортиш ҳукукига эга.
6.	Кафолат бўйича тўланадиган тўловлар	
6.1.	Кафолат учун банк хизмат ҳақи	Банк кафолати ҳужжатларини кўриб чиққанлиги учун принципал кафилга кафолат суммасининг 1 фоизи миқдорида бир маротабалик банк хизмат ҳақи тўлайди.
6.2.	Кафолат учун банк хизмат ҳақи	Ҳар бир банк кафолати хати тақдим этганлиги учун принципал кафилга тақдим этилган кафолат суммасидан ____ (кафолат суммасидан 5 % гача) фоиз миқдорида бир маротабалик комиссия тўлов тўлайди. Мазкур комиссия тўлов ушбу шартнома қонуний кучга кирган кундан бошлаб, лекин банк кафолати расмийлаштирилгунига қадар принципал томонидан тўланади.
6.3.	Кафолат учун банк хизмат ҳақи	Банк кафолати суммасини кўпайтирганлиги ҳамда кафолат муддатини узайтирганлиги учун принципал кафилга ҳар бир тақдим этилган кафолат суммасидан ____ (кафолат суммасидан 0,1 % дан 1 % гача) фоиз миқдорида бир маротабалик банк хизмат ҳақи тўлайди
6.4.	Кафолат бўйича тўловларни тўлаш	Кафил томонидан бенефициарга кафолат суммаси тўлаб берилганда, бенефициарга ўтказиб берилган суммани тўлаб бериш бўйича принципалга талабнома юборади. Мазкур талабнома принципал томонидан 10 (ўн) банк иш куни давомида тўлиқ бажарилиши лозим.
6.5.	Кафолат бўйича фоизлар ҳисоблаш	Кафил томонидан кафолат суммаси бенефициарга тўлаб берилган тақдирда, кафолат суммаси тўланган кундан бошлаб, мазкур сумма кафилнинг ҳисобварағига қайтарилгунига қадар принципал кафилга тўлов амалга оширилган кундаги {фоиз миқдори ёзилади} ставкаси миқдорида тўлаб берилган валюта бирлигида фоиз тўлайди. Принципал кафил томонидан бенефициарга тўлаб берилган

		кафолат суммасини шартноманинг 6.4-бандида қайд қилинган муддатда қайтармаган тақдирда, муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида пеня тўлайди. Ҳисобланган жами пеня микори бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган мажбуриятнинг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.
6.6.	Кафолат бўйича тўловларни тўлаш	Кафил томонидан кафолат суммаси бенефициарга хорижий валютада тўлаб берилган тақдирда, принципал тўлаб берилган кафолат суммасини кафилга, бенефициарга тўлаб берган хорижий валютада қайтаради.
6.7.	Кафолат бўйича тўловларни тўлаш	Принципалнинг хорижий валюта маблағлари мавжуд бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси савдо сессияларида миллий валюта сўм эвазига хорижий валюта сотиб олиш орқали хорижий валютада ёки банкнинг розилигини олган холда миллий валюта сўмда тўлайди.
7.	Принципалнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	
7.1.	Принципалнинг ҳуқуқлари	Банк кафолати ўз вақтида берилиши юзасидан кафилга нисбатан ўзининг қонуний талабларини қўйиш.
7.2.	Принципалнинг ҳуқуқлари	Принципал гаров таъминоти юзасидан баҳоловчи ва суғурта компаниясини ўз ихтиёрига асосан танлашга ҳақли.
7.3.	Принципалнинг ҳуқуқлари	Бенефициар тарафидан кафилга даъво билдирилганда ишда иштирок этиш.
7.4.	Принципалнинг ҳуқуқлари	Банк кафолати бўйича даъво кўриб чиқиладиганда бенефициарнинг талабларига ўзининг қонуний эътирозларини билдириш.
7.5.	Принципалнинг ҳуқуқлари	Кафил олдидаги мажбуриятлари юзасидан маълумотлар олиш бўйича мурожаат қилиш.
7.6.	Принципалнинг мажбуриятлари	Асосий мажбурият бўйича бенефициар олдидаги шартномавий мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш.
7.7.	Принципалнинг мажбуриятлари	Асосий мажбуриятлар тўлиқ ижро этилганида, бу ҳақида кафилни ўз вақтида ёзма равишда хабардор қилиш.
7.8.	Принципалнинг мажбуриятлари	Кафил олдидаги мажбуриятларини, шу жумладан мазкур шартноманинг барча шартларини ўз вақтида ва тўла ҳажмда бажариш.
7.9.	Принципалнинг мажбуриятлари	Ҳар ойда асосий мажбурият шартларининг бажарилиши, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича барча маълумотларни, шунингдек, кафил томонидан талаб қилинган бошқа маълумот ва ҳужжатларни кафилга тақдим этиб бориш.

7.10.	Принципалнинг мажбуриятлари	Кафилнинг хизматлари учун мазкур шартномага асосан ўз вақтида ва тўлиқ хажмда ҳақ тўлаш.
7.11.	Принципалнинг мажбуриятлари	Принципиал томонидан ўзининг асосий ёки иккиламчи ҳисоб рақамини кафилнинг ёзма розилигисиз бошқа банкка олиб чиқиб кетишидан олдин кафил олдидаги барча мажбуриятларини тўлиқ бажарилишини таъминлаш.
7.12.	Принципалнинг мажбуриятлари	Принципиал томонидан ўзининг асосий ёки иккиламчи ҳисоб рақамини кафилнинг ёзма розилигисиз бошқа банкка олиб чиқиб кетишидан олдин, агарда кафилнинг бенефициарга тақдим қилган кафолат бўйича уни олдида мажбурият юзага келмаган бўлса, кафил томонидан тақдим қилинган кафолат юзасидан келажакда вужудга келиши мумкин мажбуриятлардан кафилни озод қилишини (кафолатни ён бериш, кафолат хати аслини бенефициардан кафилга қайтариш ва бошқа қонун ҳужжатларига зид бўлмаган усуллар билан) таъминлаш.
7.13.	Принципалнинг мажбуриятлари	Линия доирасида тақдим қилинган кафолат суммаси миқдорининг бир юз йигирма беш фоизидан кам бўлмаган қийматдаги ликвидли бўлган таъминот турларини тақдим қилади. Валюта курсининг ўзгариши, мониторинг, ундирув давомида ёки бошқа сабабларга кўра принципал томонидан тақдим қилинган таъминот кафолат мажбуриятларини қоплашга етарли эмас, деб топилган тақдирда, кафолат суммасининг 125/130 фоизи миқдorigа етгунга қадар қўшимча таъминот билан таъминлайди ҳамда уни тегишли тартибда расмийлаштирилишини тўлиқ таъминлайди.
7.14.	Принципалнинг мажбуриятлари	Фаолиятни амалга оширилиши жараёнида экологик ва ижтимоий менежмент сиёсати талабларини амал қилиш мажбуриятини олади.
8.	Кафилнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мажбуриятлари	
8.1.	Кафилнинг ҳуқуқлари	Принципалдан ҳар ойда асосий мажбурият шартларининг бажарилиши ҳақидаги, шунингдек бошқа маълумотлар ва ҳужжатларни беришни талаб қилиш.
8.2.	Кафилнинг ҳуқуқлари	Асосий мажбуриятнинг бекор қилинганлиги ёки ўз кучини йўқотганлиги аниқланса, ушбу банк кафолати шартномасини бир томонлама бекор қилиш.
8.3.	Кафилнинг ҳуқуқлари	Агар бенефициарнинг талаби ёки унга илова қилинган ҳужжатлар кафолат шартларига мос келмаса ёхуд кафилга кафолатда белгилаб қўйилган муддат тамом бўлгандан кейин тақдим этилса, унинг талабини бажаришни рад этиш.

8.4.	Кафилнинг ҳуқуқлари	Принципалнинг молия-хўжалик фаолиятини, шунингдек, гаров мулкининг ҳолатини мониторинг қилиб бориш, гаров мулкига зарар етганда, шикастланганда ва бошқа ҳолларда гаров мулкининг алмаштирилишини принципалдан талаб қилиш.
8.5.	Кафилнинг мажбуриятлари	Бенефициар томонидан ёзма талабнома тақдим этилганда бу ҳақида дарҳол принципални хабардор қилади ва унга талабнинг нухасини барча тегишли ҳужжатлар билан бирга тақдим қилади.
8.6.	Кафилнинг мажбуриятлари	Кафил принципал томонидан шартномага асосан кафолат бўйича мажбурияти тўлиқ бажарилган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмаган ҳолда мазкур кафолат бўйича гаровда турган мулкни таққидан чиқариш ва гаров сифатида бўлган мол-мулкка нисбатан банкнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувни гаров реестридан чиқариш чораларини кўради.
8.7.	Кафилнинг мажбуриятлари	Бенефициар томонидан тақдим этилган ёзма талабномани 10 (ўн) банк иш куни муддатда кўриб чиқади ва кўриб чиқиш натижаси ҳақида принципал ва бенефициарни хабардор қилади.
8.8.	Кафилнинг мажбуриятлари	Асосий мажбурият батамом ёки унинг тегишли қисми бажарилганлиги ёхуд бошқа асосларга кўра бекор бўлганлиги ёки ҳақиқий эмас деб топилганлиги кафилга маълум бўлиб қолса, у бу ҳақида дарҳол бенефициарга ва принципалга хабар беради.
8.9.	Кафилнинг мажбуриятлари	Бенефициар томонидан кафилга даъво билдирилганда, принципални ишда иштирок этиш учун жалб қилади.
9.	Кафил мажбуриятларининг чегаралари	
9.1	Кафилнинг мажбуриятлари чегараси	Кафилнинг мажбуриятлари шартноманинг 4.1–бандида очилган кафолат линияси бўйича тақдим қилинган кафолатлар қолдиғи суммаси билан чегараланади. Асосий мажбурият бўйича келиб чиқадиган бошқа тўловлар (неустойка, зарар, устама, фоиз, суд харажатлари ва бошқа мажбуриятлар) бўйича кафил жавобгар бўлмайди.
9.2	Кафилнинг мажбуриятлари чегараси	Асосий мажбурият бўйича бенефициар фойдасига принципал ёки кафил томонидан ҳар қандай тўлов амалга оширилганда, кафилнинг мажбуриятлари амалга оширилган тўловлар суммасига мутаносиб равишда камайиб боради.
10.	Принципал мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш	
10.1.	Принципал мажбуриятларининг бажарилишини	Мазкур шартноманинг таъминоти сифатида принципал кафилга куйидаги таъминот турини тақдим қилади:

	таъминлаш	(кўчар ёки кўчмас мол-мулклар, ҳуқуқлар гарови, ипотека, суғурта полиси, кафиллик шартномаси ва бошқалар)
10.2.	Принципал мажбуриятларини нг бажарилишини таъминлаш	Таъминотга оид битимлар қонунчиликда белгиланган тартибда, ёзма шаклда расмийлаштирилиши, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда эса нотариал тасдиқланиши ва/ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Бунда барча расмийлаштириш ҳаражатлари принципал ҳисобидан амалга оширилади.
10.3.	Принципал мажбуриятларини нг бажарилишини таъминлаш	Шартномада кўзда тутилган неустойкалар ва бошқа тўловларни ундиришни кафил принципалнинг кафилда ва бошқа кредит ташкилотларида очилган ҳар қандай ҳисоб рақамига тўлов талабномасини қўйиш асосида пул маблағларини ҳисобдан чиқариш орқали амалга оширишга ҳақли. Қўйилган талабнома мазкур шартномага асосан принципал томонидан акцептланган ҳисобланади.
11.	Кафолатни чақириб олиш асослари	
11.1.	Кафолатни чақириб олиш асослари	Банк кафолати амалдаги қонун ҳужжатлари, мазкур шартномада ёки кафолатда назарда тутилган асосларга кўра ва тартибда чақириб олиниши мумкин.
11.2.	Кафолатни чақириб олиш асослари	Принципалнинг молиявий ҳолати ёмонлашиши (бу ҳолат зарар кўриб ишлаши ёки баланснинг ноликвид ҳолга келиши билан юзага келади).
11.3.	Кафолатни чақириб олиш асослари	Муддати ўтказиб юборилган кредиторлик қарзларининг вужудга келиши.
11.4.	Кафолатни чақириб олиш асослари	Кредит тарихида салбий ҳолатларнинг юзага келиши.
11.5.	Кафолатни чақириб олиш асослари	Бенефициарнинг ўзгариши.
12.	Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари	
12.1.	Шартномани ўзгартириш асослари	Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, шунингдек мазкур шартномада назарда тутилган асосларга кўра ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.
12.2.	Шартномани ўзгартириш асослари	Мазкур шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиб, икки тарафлама ваколатли шахслар томонидан тасдиқлангандагина ҳақиқий ҳисобланади.
12.3.	Шартномани бекор қилиш асослари	Кафилнинг бенефициар олдидаги мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор бўлади: а) кафолат берилган сумма бенефициарга тўланганда;

		<p>б) кафолатда белгиланган муддат тамом бўлганда;</p> <p>в) бенефициар кафолат бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечганда ва кафолат хатини кафилга қайтариб берганда;</p> <p>г) бенефициар кафилни унинг мажбуриятларидан озод қилиши ҳақида ёзма ариза бериш йўли билан кафолат бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечиши оқибатида.</p>
12.4.	Шартномани бекор қилиш асослари	Мазкур шартноманинг 12 бўлим ёки 12.3.-бандларида кўрсатилган ҳоллар юзага келган тақдирда, кафил кафолат хатини чақириб олиш билан бир вақтда шартномани бир томонлама бекор қилиши мумкин. Бу ҳолда кафил принципал ва бенефициарни бу ҳақида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 3 (уч) банк иш кунидан кечиктирмай хабардор қилади.
13.	Шартнома бўйича жавобгарлик	
13.1.	Шартнома бўйича жавобгарлик	Мазкур шартномада бошқача белгиланган бўлмаса, тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари асосида белгиланади.
13.2.	Шартнома бўйича жавобгарлик	Кафил бенефициарга кафолат хатини беришни асоссиз равишда кечиктирган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун кафолат суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Ҳисобланган жами пеня миқори бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган мажбуриятнинг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.
13.3.	Шартнома бўйича жавобгарлик	Принципал кафил томонидан бенефициарга тўлаб берилган кафолат суммасини шартноманинг 6.4-бандида қайд қилинган муддатда қайтармаган тақдирда, муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида пеня тўлайди. Ҳисобланган жами пеня миқори бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган мажбуриятнинг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.
14.	Алоҳида шартлар	
14.1.	Алоҳида шартлар	Мазкур банк кафолати бўйича бенефициарга тегишли бўлган кафилга талаб қўйиш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтказилиши мумкин эмас.
14.2.	Алоҳида шартлар	Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга, биринчи нусхаси кафилга, иккинчиси принципалга берилади.
14.3.	Алоҳида шартлар	Кафил ўз фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия чақириб олиниши, бекор қилиниши, ваколатли давлат органлари томонидан турли санкциялар қўлланиши, фаолиятнинг айрим йўналишлари вақтинча чекланиши вазиятнинг жиддий ўзгариши деб ҳисобланди. Мазкур ҳолатда кафил ушбу шартномага асосан ўз зиммасига олган мажбуриятлардан вазиятнинг жиддий ўзгариши бартараф бўлгунга қадар озод этилади.
14.4.	Кафолатни ҳақиқий эмас деб топилиши	Филиал мустақил кредитлаш лимитидан юқори суммадаги кафолатлар учун ваколатли орган розилигини олмасдан банк кафолати тақдим этилган бўлса банк кафолати ҳақиқий эмас

		деб ҳисобланади.
14.5.	Кафолатни ҳақиқий эмас деб топилиши	Қатъий ҳисобда турувчи махсус кафолат бланкасида тақдим этилмаган банк кафолатлари ҳақиқий ҳисобланмайди.
15.	Бошқа шартлар	
15.1.	Маълумотларни тақдим этиш	Принципалнинг тегишли сўрови банкда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб ўн иш куни ичида принципал томонидан берилган ариза ва унга кафолат берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда принципалнинг талаби билан бир иш куни ичида кафиллик шартнома бўйича принципалнинг мажбуриятлари тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади.
15.2.	Коррупцияга қарши курашиш	Томонлар, уларнинг аффилиланган шахслари, ходимлари ёки бошқа иштирокчилари ушбу шартнома шартларини бажаришда иккинчи томоннинг қарор қабул қилишига таъсир ўтказиш мақсадида бевосита ёки билвосита пул маблағлари, қимматликлар ёки хизматлар таклиф қилиши, бериши, тақдим этиши тақиқланади.
15.3.	Коррупцияга қарши курашиш	Томонлар, уларнинг аффилиланган шахслари, ходимлари ёки бошқа иштирокчилари ушбу шартнома шартларини бажаришда қарор қабул қилишига таъсир ўтказиш мақсадида шартноманинг бошқа иштирокчилари томонидан бевосита ёки билвосита пул маблағлари, қимматликлар ёки хизматлар тақдим этиш бўйича таклифини рад қилиши лозим.
15.4.	Коррупцияга қарши курашиш	Агар шартнома иштирокчиларида ушбу шартнома шартларини бажариш билан боғлиқ коррупцион ҳаракат содир этилганилиги тўғрисида маълумот, шубҳа, шубҳага асос бўлувчи далилга эга бўлса, бу тўғрисида иккинчи томонга ёзма шаклда хабар бериш мажбуриятини олади.
15.5.	Коррупцияга қарши курашиш	Хабарни олган томон ҳақиқатда коррупцион ҳаракат содир этилмаганлигини ёки содир этилмаслиги тўғрисида тасдиққа эга бўлгунча ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга.
15.6.	Коррупцияга қарши курашиш	Пора бериш эвазига иккинчи томон вакилини, аффилиланган шахсини, ходимини ёки шартноманинг бошқа иштирокчиларини шартнома шартларини бажаришда ўзига оғдириб олган томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплаб бериш мажбуриятини олади.
15.7.	Кредит таъминоти сифатида турар жой тақдим этилиши	Гаров предмети сифатида тақдим этилган бирдан-бир турар жой фақат суд тартибда ундирилади ва у оммавий савдолар орқали реализация қилинади (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).
15.8.	Шартнома нусхалари	Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, шартноманинг бир нусхаси кафилда, иккинчи нусхаси принципалда сақланади. Принципал ёки унинг ваколатли вакилига кафиллик шартномаси имзоланган кунда шартноманинг битта асл нусхасини тақдим этилади.
15.9.	Махфийлик	Шартномани тузиш ва бажариш вақтида тарафлар бир-биридан

		<p>олган барча маълумотлар махфий ахборотлар деб тан олинади. Шартномани тузиш ва шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш чоғида бошқа тарафнинг тижорат сири ҳисобланган махфий ахборотлар ва маълумотларни ахборот эгасининг ёзма розилигисиз ошкор қилмаслик мажбуриятини олади.</p> <p>Мазкур қоида шартноманинг амал қилиш муддатига ҳамда шартнома муддати тугаган вақтдан бошлаб 3 (уч) йил давомида амал қилади.</p> <p>Ушбу талабларни бузган тараф бунинг оқибатида иккинчи тарафга етказилган барча зарарни тўлиқ ҳажмда қоплайди.</p> <p>Кафил мазкур шартномага асосан ўз ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиш, талаб қилиш мақсадида, принципал кафилга ўзи тўғрисидаги ҳар қандай маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этиш (топшириш) учун сўзсиз розилигини мазкур шартномага асосан билдирган ҳисобланади.</p> <p>Принципал кафилга шартномада кўрсатилган ёки шартнома тузилиши ва бажарилишида кафилга тақдим этган ўзининг барча маълумотлари билан ишлаш ва топширишга мазкур шартномага асосан розилигини тасдиқлайди. Шу жумладан, шартнома бўйича ҳуқуқий ворислик тартибида кафилнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бошқа шахсга ўтганда, уларни учинчи шахсга топширишга ҳам розилик беради.</p>
15.10.	Форс-Мажор	<p>Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу томонларнинг иродаси, хохиши ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар), ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар), халқаро, банклараро ва банкнинг электрон тўлов ҳамда таъминот тизимидаги носозлик, банкнинг дастурий таъминот тизимига қилинган таҳдид (учинчи шахслар томонидан қилинган ҳужумлар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлардир.</p> <p>форс-мажор ҳолатлари юзага келган вақтда тарафлар ушбу ҳолатлар бартараф этилгунигача қадар шартнома бўйича ўзаро мажбуриятларини бажаришдан озод бўладилар.</p> <p>Юзага келган форс-мажор ҳолатлари ҳақида ҳамда ушбу ҳолатлар яқунланганлиги ҳақида тараф ушбу ҳолатлар юзага келган ёки бартараф этилган вақтдан бошлаб, 3 банк куни ичида бу ҳақда иккинчи тарафни ёзма равишда хабардор қилиши лозим.</p> <p>Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги ёки бартараф этилганлиги ҳақидаги хабарномалар тарафларда мавжуд бўлган барча алоқа воситалари орқали юборилиши мумкин (смс ва mms хабарлари бундан мустасно).</p> <p>Форс-мажор ҳолатлари 30 кун мобайнида бартараф этилмаган тақдирда тарафлар ушбу шартномани муддатидан олдин бекор</p>

		қилишга ҳақли бўладилар. Юзага келган форс-мажор ҳолатлари бартараф бўлгандан сўнг, мазкур шартнома шартлари тўлиқ ўз кучига эга бўлади.
15.11.	Низоларни ҳал этиш тартиби	Тарафлар мазкур шартномани бажариш вақтида юзага келган келишмовчилик ёки низоларни музокара йўли билан ҳал этадилар. Ўзаро келишув имконияти бўлмаганда, ҳуқуқи бузилган тараф томонидан юборилган талабнома ёки огоҳлантириш хатида иккинчи тараф мазкур талабнома ёки огоҳлантириш хатида кўрсатилган муддат ичида жавоб бериши лозим. Талабнома ёки огоҳлантириш хати тарафга шахсан топшириш, электрон почта манзилига юбориш ёки почта алоқа хизмати орқали буюртма хат билан юбориш йўли билан амалга оширилади. Тинч йўл билан ҳал этилмаган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.
15.12.	Қўлланиладиган ҳуқуқ ва уни қўллаш	Шартнома бажарилишида тарафлар мазкур шартнома шартларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига таянишади.
16.	Шартноманинг амал қилиш муддати	
16.1.	Шартноманинг амал қилиш муддати	Шартнома тарафлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга кириши ва тарафлар томонидан мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунга қадар амал қилади.
17.	Тарафларнинг қайд этиш маълумотлари ва имзолари	
17.1.	Тарафларнинг қайд этиш маълумотлари ва имзолари	Тарафларнинг қайд этиш маълумотлари ва имзолари
Кафил		Принципал
Манзили _____ МФО _____ ИНН _____ х\р _____ Банк _____ Телефон _____ Алоқа маркази 0 800 1 200 200 E-mail: contact@hamkorbank.uz Банк вакили _____ М.Ў.		Манзили _____ МФО _____ ИНН _____ х\р _____ Банк _____ Телефон _____ Раҳбари _____ Бош ҳисобчиси _____